

Muhabbatkhan M. AGZAMOVA,
Senior lecturer of the International Islamic
Academy of Uzbekistan, (PhD).
11, A.Kadiri str. 100011,
Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: ag.muhabbat@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/5

**“ТАРИХ АР-РУСУЛ ВАЛ-МУЛУК”
АСАРИДА ИСЛОМ МАНБАЛАРИ
АСОСИДАГИ РИВОЯТЛАРНИНГ
БАЁН ЭТИЛИШИ**

**EXPLANATION OF NARRATIVES BASED
ON ISLAMIC SOURCES IN THE WORK
“TARİH AR-RUSUL WAL-MULUK”**

**ОПИСАНИЕ ПОВЕСТВОВАНИЙ НА
ОСНОВЕ ИСЛАМСКИХ ИСТОЧНИКОВ
В ПРОИЗВЕДЕНИИ “ТАРИХ АР-РУСУЛ
ВАЛЬ-МУЛУК”**

КИРИШ

Ҳижрий II асрда ислом тарихнавислиги маълум бир давр ўзини тўлдириш жараёнини ўтказиб, аввалги ёзма-оғзаки манбалар ва ҳадис илмининг таракқий этиши билан тадрижий ривожланди. Турли ислом илмларининг шаклланиши ва унинг таъсирида юзага келган асарлар, ислом тарихи ҳамда анъаналарининг ривожланиши ислом тарихнавислигининг шаклланишида муҳим ҳисобланиб, диний-ижтимоий жараёнлар билан узвий равишда таракқий этди. Айни шу жараёнларда ислом тарихчилари томонидан берилган маълумотлар ишончли манба сифатида қаралиб, бунга асосий сабаб сифатида тарихий воқеалар ривоятга таянган ҳолда баён этилганлиги ва турли ровийлар томонидан ривоят қилинганлиги соҳа мутахассислари томонидан ўзига хос услуб ва ёндашувлар ишлаб чиқилганлиги билан ажралиб туради.

Илк ёзма тарихий асарлар араб тилида ҳижрий III асрда ёзилган бўлиб, улардан Балазурийнинг (ваф. 279/892) “Китоб футуҳ ал-булдон” асари, Яъқубийнинг (ваф. 292/904) “Тарих ал-Яъқубий” асарларини келтириб ўтишимиз мумкин. Ҳижрий IV аср ислом тарихшунослигининг камолот даври ҳисобланади. Бу даврнинг энг машҳур тарихчиси Муҳаммад ибн Жарир Табарий ҳисобланади.

Табарий “Тарих ар-русул вал-мулук” асарида Аббосийларнинг дастлабки даврига қадар тарихий жараёнларни баён этиб, муаррих Балазурийнинг “Футуҳ ал-булдон” ва Яъқубийнинг “Тарих ал-Яъқубий” китобларида келтирилган ривоятлардан кенг фойдаланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Табарий асарларини ўрганиш орқали биз алломанинг қарашлари ва услубларини ўрганиш имконига эга бўламиз. Табарий “Тарих ар-русул вал-мулук” муқаддимасида “асарни таълиф қилишда асосан тарихий воқеаларни ровийлардан келган хабар ва маълумотлар тарзида тақдим этгани, жуда кам жойларда хулосалар келтиргани, бунга сабаб ўтмишда бўлган воқеаларга гувоҳлик бера олмаслиги ва ровийлар орқали етказилгани ва аҳамияти нуқтаи назаридан кам эътиборли тарихий воқеаларга унчалик кўп тўхталмагани, ровийлардан келган хабарларни ўзига келганидек тақдим этгани” ҳақида тўхталиб ўтади (Табарий, 1967:7–8).

Асарда муаллиф аксарият хабарларни ровийларга таянган ҳолда баён этиб, улар қандай ҳолатда бўлса, шундай тақдим этган. Баъзи ўринларда “У мен эмаслигимни ва буни фақат мен етказаётганимни эслатишни истадим” каби ибораларни қўллаб, ўзи тўғри топган маълумотлар билан бирга, воқеалар баёнига оид материалларни таҳлил этишни ўқувчига қолдирган.

Алломанинг юқорида келтирилган фикридан ҳам кўриниб турибдики, тарихий воқеаларга оид материалларни муҳокама мавзусига айлантирмасдан, тўғридан-тўғри узатиш тамойилини қўллаган. Ўша даврдаги тарихий воқеаларни баён этиш хусусиятлари икки принцип, яъни тарихий воқеага шохид бўлиш ва ундан маълумотларни тақдим этиш ёки ровийлар орқали берилган хабарларни етказиш услубида бўлган.

Табарийнинг тарихий воқеаларни баён этиш усули ҳадисшунослар усулига хос бўлиб, бу икки соҳанинг ўхшаш жиҳати, маълумотларни узатишда ривоят асосида баён этиш орқали бўлиб, тарих соҳасида ривоятлар баёнида йилга доир маълумотлар муҳим аҳамият касб этади (Шокир Мустафо, 1983:257). Табарий асарининг муқаддима қисмида маълумотларнинг тўғрилиги ровийларнинг ишончли эканлигига боғлиқ эканлигини айтиб ўтади. Шунингдек, ҳар бир муҳим воқеа гувоҳ бўлган одамлардан

Аннотация. Ислом тарихчилари илк даврларда тарихий жараёнларни ривоят асосида тақдим этиши усулидан фойдаланишган бўлиб, ўрта асрларда битилган ислом тарихининг салмоқли қисми шу услубда ёзилган. Ҳижрий III–IV аср оралигида яшаган Ибн Жарир Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асари ислом тарихига оид тадқиқотларда энг кўп мурожаат қилинган асосий манбалардан ҳисобланиб, ҳижрий 302 йилга қадар инсоният тарихи ҳақида кўплаб ровийларнинг ривоятларини ўзида муҳасам этган. Шу сабабдан, III–IX асрда ёзилган тарихга оид нодир манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Табиийки, “Тарих ар-русул вал-мулук” асари бу услубнинг энг яхши намунаси ҳисобланади. Ҳадис ривоятларидаги ровийлар силсиласи кўпчилик тарихчиларнинг ривоят силсиласига ўз таъсирини кўрсатди. Мақолада Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асари қўллаган ривоят услуби таҳлил этилиб, тарихий воқеаларга тегишли батафсил ривоятлардан кенг фойдаланилгани кейинги даврда ёзилган асарларга бирламчи манба сифатида хизмат қилгани очиб берилган. Табарий арабларнинг исломдан олдинги даврга тегишли кўплаб оғзаки ривоятларни йўқолиб кетишидан сақлаб қолиб, уларни ёзиб олган. Хусусан, Мадоний ва Абу Меҳнаф каби тарихчиларнинг асарларидаги ҳозирги кунгача етиб келмаган ривоятларни Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асарида учратишимиз мумкин. “Тарих ар-русул вал-мулук” асари ҳар бир тарихий ривоятни тўлиқлигича ва ровийлар занжирини сақлаган ҳолда, Қуръони каримда келган оятлар асосида хронологик тартибда етказган. Араблардаги тарқоқ оғзаки ва ёзма маълумотларни тизимлаштириши орқали, кенг қамровли, кўплаб халқлар ва элатлар тарихи, ислом тарихига оид асар оғзаки ва ёзма манбаларни бир жойга тўплаган ҳолда тарихий кетма-кетликда баён этилгани таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Ислом тарихи, муаррих, ривоят, фақиҳ, манба, илм, муфассал, сиёра.

Abstract. In the early years, Islamic historians used the narrative-based method of presenting historical processes, and most parts of Islamic history written in the Islamic world during the Middle Ages were written in this style. The work “*Tarikh ar-rusul wal-muluk*” by Ibn Jarir Tabari, who lived between the 3rd and 4th centuries of the Hijri, is considered one of the main sources used in the study of the history of Islam, and it contains the narrations of all the narrators about the history of mankind until 302 AH. For this reason, it serves as a rare source of history written in the III/IX century. Naturally, the work “*Tarikh ar-rusul wal-muluk*” is the best example of this style. The chain of narrators in hadith narrations influenced the chain of narration of most historians.

The article analyzes the narrating method used in Tabari’s work “*Tarikh ar-rusul wal-muluk*” and reveals that the extensive use of detailed narrations related to historical events served as a primary source for the works written in the later period. Tabari recorded many oral traditions of the pre-Islamic period of the Arabs and preserved them from being lost. In particular, we can find narrations of historians such as Madaini and Abu Mihnaf that have not reached the present day in Tabari’s “*Tarikh ar-rusul wal-muluk*”. The work “*Tarikh ar-rusul wal-muluk*” presented each historical narrative in its entirety and preserved the chain of narrators, in chronological order based on the verses of the Qur’an. It is analyzed that by systematizing the scattered oral and written information in the Arabs, a comprehensive history of many nations and peoples is presented in a historical sequence bringing together oral and written sources on the history of Islam.

Keywords: Islamic history, muarrikh, narration, faqih, source, knowledge, mufassal, seerah.

Аннотация. В первые века исламские историки использовали метод представления исторических процессов на основе повествования, и значительная часть исламской истории, в средние века, была написана в этом стиле. Труд Ибн Джарира Табары “Тарих ар-русул вал-мулук”, жившего между III и IV веками хиджры, считается одним из основных источников, используемых при изучении истории ислама. Он содержит рассказы об истории человечества до 302 г. хиджры. В этой связи он служит уникальным источником истории, написанной в III/IX веке. Естественно, произведение “Тарих ар-русул вал-мулук” является лучшим примером этого стиля. Цепочка рассказчиков в рассказах хадисов повлияла на цепь рассказов большинства историков. В статье анализируется метод повествования, использованный в произведении Табары “Тарих ар-русул вал-мулук”, и выявляется, что широкое использование подробных повествований, связанных с историческими событиями, послужило первоисточником для произведений, написанных в более поздний период. Табары сохранил и записал многие устные традиции доисламской эпохи арабов от утраты. В частности, мы можем найти рассказы таких историков, как Мадонини и Абу Меҳнаф, которые не дошли до наших дней, в “Тарих ар-русул вал-мулук” Табары. В произведении “Тарих ар-русул вал-мулук” каждое историческое повествование представлено целиком и сохранена цепочка в хронологическом порядке на основе аятов Корана. Путем систематизации разрозненных устных и передатчиков письменных сведений у арабов проанализировано, что всеобъемлющая, всесторонняя история многих народов и народов, история ислама представлена в исторической последовательности путем собирания воедино устных и письменных источников.

Ключевые слова: История ислама, муаррих, повествование, факих, источник, знание, муфассал, сиёра.

МУҲОКАМА

маълумотларни олишга ҳаракат қилади. Бир неча йўл билан келган иснодлар занжирини барчасини етказишга ҳаракат қилади. Шу орқали воқеалар тўғрисида кўпроқ маълумот олиш имконияти борлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Асар ёзилган даврда илм нуфузи жамиятда ҳадислар қанчалик ўрганилгани билан боғлиқ бўлиб, қундалик ҳаётда ҳам ҳадислардан кенг фойдаланилган. Табарийнинг яна асарда ҳадислардан кенг фойдаланишига таъсир қилган жиҳати шундаки, ўша даврда сохта ҳадислар ҳам омма орасида ёйилган бўлиб, аллома тарихий воқеалар баёни орқали шубҳадан ҳоли ҳадисларни сақлаб қолиш ва келгуси даврга етказишни, тўқима ва иллатли ҳадислар кенг тарқалишининг олдини олишни мақсад қилган ҳолда, ўз асарини ёзган.

Табарий воқеаларга хос ривоятларни тақдим этишда, бир ривоятни иккинчи ривоятдан устун қўйиш ҳолати камдан-кам ҳолатларда учрайди. Воқеа баёнида ўзига қадар етиб келган ривоятларни беришга ҳаракат қилиб, бу услуб билан ушбу воқеага хос кўплаб ривоятлар етиб келганини кўрсатишга ҳаракат қилади. Табарий воқеаларни ёзишда дунё яратилишидан бошлаб, кейин пайғамбарлар тарихи ва подшоҳликлар даврига, ундан сўнг, сосонийлар ва араблар тарихини 302/915 йилга қадар тарихий воқеалар баёнини келтиради. Асардаги сўнгги тарихий ривоятларни мухтасар шаклда тушунтиришга ҳаракат қилади.

Табарийнинг яна бир хусусияти шундаки, у ривоятларни ҳеч қандай ўзгаришсиз тақдим қилади. Бу эса, алломанинг илмий ахлоқини кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Аллома маълумотларни тақдим этишда исноддаги ровийларга эътиборни қаратиб, ишончли ровийлардан маълумотларни олишда, ривоятларни эмас, кўпроқ уларни етказувчиларнинг ишончилигини устун қўяди (Фуад Сезгин, 1991:519).

Шиа, рофизий, муътазилий каби ўша даврда кенг тарқалган адашган оқимларнинг турли таъсирдан сақланган ҳолда тарихчи учун муҳим ҳисобланган холислик тамойили асосида кўплаб ривоятларни келтиради. Келтирган ривоятларининг бирини иккинчисидан устун қўймаган ҳолда тақдим этиб, хулоса чиқаришни ўқувчига қолдиради. Алломанинг бу услуби ҳақида Шокир Мустафо куйидаги фикрларни келтиради: “Табарий ўзининг тақвоси ва илмга бўлган эътибори сабабли, бетарафлик ва қатъият асосида ислом тарихи ҳақидаги маълумотларни тақдим этади” (Шокир Мустафо, 1983:256).

Табарий ўз асарини тайёрлашда маълумотларни тафсир, сийрат китобларидан, хусусан, Ибн Исҳоқнинг “Сийрат”, Вахб ибн Мунаббаҳнинг “Китоб ал-мубтадо” асаридан, форс тарихига оид тарихий маълумотларни Абдуллоҳ ибн Муқаффа ва Ҳишом Калбийларнинг асаридан кенг фойдаланиб тўплаган.

Табарий асарининг энг гўзал жиҳати шундаки, у янгиликларни қандай бўлса, сўзма-сўз ва мазмунан ўзгартирмаган ҳолда етказишга ҳаракат қилади. Ўзи ёзмоқчи бўлган мавзуга оид барча ёзма ва оғзаки материалларни бир жойга жамлаб баён этишга уринган. Табарий ушбу ёндашувни бошқа китобларни ёзишда ҳам қўллаган бўлиб, у янгиликларни тартибга солишда икки асосий нарсага эътибор қаратган. Хусусан, мавжуд янгиликларни ўзаро узвий тарзда баён этиш ҳамда ўзи эгаллаган маълумотлар билан бойитиш ва янги манбалар аҳамиятини оширишни мақсад қилган.

Табарий бир мавзу ёки воқеа ҳақида эшитган ривоятларни ҳеч қандай ўзгартiriш киритмай тақдим этиб, Ибн Шиҳоб Зухрий, Ибн Исҳоқ ва Али ибн Муҳаммад Мадоиний каби ровийлар йўлини тутди. Табарий келтирган ривоятларни баён қилинишига кўра 3 та турга бўлиш мумкин:

Биринчиси – бу воқеалар баёнида бир-бирига мувофиқ ривоятлар бўлиб, Ибн Шиҳоб Зухрий, Ибн Исҳоқ, Али ибн Муҳаммад Мадоиний ва Абу Миҳнаф каби ровийларнинг бир мавзуда ёки биргаликда ёки қўшимча маълумотлар берилган ҳолдаги ривоятлари бўлиб, Табарий ушбу ривоятларни бир жойга жамлаб, ривоятни тўлиқ ҳолда, сўзларни ўзгартирмаган ҳолда баён қилган. Мисол қилиб куйидаги хабарни олиш мумкин: “Ибн Ҳомид, Салама, Муҳаммад ибн Исҳоқ, Зухрий, Алқам ибн Ваққос Лайсий, Саид ибн Мусаййиб, Урва ибн Зубайр ва Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утайба Зухрий айтдилар: “Ҳар бир ровий бу ҳадисни бир қисмини баён қилди. Уларнинг баъзи воқеалар ҳақидаги ривоятлари, бошқаларига қараганда яхшироқ эслаб қолинган эди. Улар менга айтганларни сиз учун йиғиб олдим” (Табарий, 1967:611). Кўриб турганимиздек, бир мавзудаги барча ҳадислар ровийларини тўплаган ҳолда бир ровий занжирига жамлаган ҳолда ривоятни келтирган. Бундай ёндашувни қўллашига сабаб сифатида бир ровий бошқа ровийга нисбатан ривоятни тўлиқроқ ёки бошқа жиҳатларини ёритиш орқали етказганини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Иккинчи тур – баҳсли ривоятлар орасидаги тартиб бўлиб, Табарий бир-бирини тўлдирувчи ривоятларни биргаликда келтиришга қанчалик уринган бўлса, бир-бирига зид ривоятларни ҳам бирга беришга ҳаракат қилди. Бу ривоятлардаги зидлик гоҳида саналарни беришда, баъзан хабарларга оид, баъзан бутун бир мавзуга тааллуқли бўлиб, муаллиф бу каби ҳолатларни ҳар бир ровийнинг ушбу ҳолатга қараши сифатида изоҳлайди. Бунга Табарийнинг Аллоҳ таоло дунёни яратишни бошлаган кун ҳақидаги мунозарали хабарларни келтирганини олсак, дунёнинг яратилиши билан боғлиқ ким бу борада қандай фикрда эканини далиллар билан тушунтиришга ҳаракат қилган (Табарий, 1967:44). Яна Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг ўзларидан аввал вафот этган фарзандлари бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақидаги қарама-қарши хабарларни биринкетин келтиради (Табарий, 1967:150). Шу билан бирга, баъзи ўринларда қадим тарихга оид баъзи маълумотларни тақдим этишда эҳтиёткорлик қилиб: “Уларни барчасини етказишга ҳаракат қилсак, китобда кўп жой эгаллагани учун бу ҳақда бошқа тўхталмоқчи эмасмиз”, деб изоҳ келтиради (Табарий, 1967:146).

Асарда дунёнинг яратилиши ва Одам алайҳиссаломнинг ерга туширилиши ҳақида турли ривоятларни келтиради. Бу ривоятлар келтириш билан бирга бу маълумотлар кимга тегишли эканини ҳам келтириб ўтади. Масалан, Ибн Аббосдан келтирган ривоятга асосланиб, дунё яратилганига 7000 йил бўлганини айтади. Шунингдек, яҳудий, насроний, мажусий ва ислом уламоларининг фикрларини қуйидагича қайд қилади: “Аҳли китобдан бўлган яҳудий пайғамбарлар умри ва мавжуд маълумотларга асосланиб, бу давр 4642 йилу бир неча ой деб изоҳланди. Христианлар ва Юнон тарихчилари маълумотига кўра, бу давр 5992 йил ва бир неча ой деб даъво қилинди. Форс мажусийлари эса, бу даврни 4182 йил, 10 ой 19 кун деган фикр келтирилди. Ислом уламолари фикрига кўра, Одам Ато алайҳиссалом ва Нух алайҳиссалом ораларида ўн аср ўтган бўлиб, Нух ва Иброҳим алайҳиссалом ораларида яна ўн аср ўтди. Ҳар аср юз йилдан иборат” деган изоҳни келтиради (Табарий, 1967:234). Кўриниб турибдики, Табарий бир-бирига тўғри келмайдиган тўрт хил тарафнинг ривоятларини ҳолис баён қилади.

Учинчи тур – низоли вазиятлар баёнида ҳар икки тарафни воқеа ҳақидаги маълумотларини тўғридан-тўғри бериш. Табарий бунда ҳар икки

тарафнинг ривоятларини келтириб, умумий ҳулосани ўқувчининг ўзига қолдиради. Унинг фикрича, тарих фани ақлдан кўра, ривоятга таяниладиган илмдир. 61/681 йилда содир бўлган Карбало воқеаси ҳақидаги хабар Хусайн тарафидан (Табарий, 1967:407) ва унинг қўшини Умар ибн Саъд амр қилган Язид тарафининг ривоятини (Табарий, 1967:423) ровийлардан келтиради.

Табарий воқеани ўз гувоҳларидан етказганини Хусайн ибн Алининг ўлдирилиши ҳақидаги қуйидаги ҳолатда ҳам кўришимиз мумкин: Абу Михнаф – Юсуф ибн Язид – Зубайр ибн Абу Аннос ривоят сўнггида “Сен бунга кўрдингми?” – дея сўраганида у “кўзим кўрди, қулоғим эшитди” деб жавоб беради (Табарий, 1967:431). Табарий воқеалар баёнида бу маълумотларни ҳам келтириб ўтиб, бу гувоҳлар томонидан олинган маълумот эканига ишора қилади.

Табарий асарида сиёсий воқеаларни ёритишга кўпроқ эътибор қаратади. Бу ҳақда Ироқ тарихчиси Жавод Алий алломанинг бу услубини қуйидагича изоҳлайди: “Умумий тарихни ёзадиган кўплаб тарихчилар сингари Табарий ҳам бутун эътиборни сиёсий тарихга қаратади. Бунга ўзи яшаган давр руҳи таъсир кўрсатган. Табарий тарихшуносликка хос қарашлар, араблар ва ажамлар хусусан, христиан динига оид маълумотлардан кенг фойдаланган. Хусусан, христиан динига оид маълумотлар айниқса, ўрта асрларда жаҳон сиёсатини бошқаришда муҳим жиҳатларини ёритишда кенг фойдаланилган. Халифалар, шохлар ва султонлар халқ устидан бошқарув ягона мафкура асосида бўлиб, XVIII асрдан бошлаб жамоатчилик фикри эътибор қаратилган” (Жавод Алий, 1950:175–176). Демак, Табарий ҳам ўша давр хусусиятидан келиб чиқиб, сиёсий қарашларнинг устуворлигига қараб маълумотларни бериб борган.

Тадқиқотчи Шокир Мустафо Табарийнинг қуйидаги усулларини камчилик сифатида санаб ўтади (Шокир Мустафо, 1983, 260–261):

– танқиднинг заифлиги – муаллиф воқеалар ва ривоятларга ўз муносабатини билдирмайди ва китоб бошидан масъулиятни ровийларга юклайди.

– муаллиф ровийлардан иктибос келтирганда, қайси китобдан маълумотларни олганини келтирмайди. Масалан: Табарий Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Мадоинийдан (ваф. 228/843) кўплаб маълумотлар келтиради. Лекин бу маълумотлар унинг қайси китоби асосида эканини келтирмайди.

– аллома ўз даврига оид тарихий воқеалар баёнига кўп ҳам урғу бермай қисқа мухтасар тарзда баён қилади.

– унинг асарида исломдан аввалги ва исломдан кейинги даврга оид маълумотлар ҳажм нуқтаи назаридан турлича бўлиб, дунёнинг яратилиши ва пайғамбарлар тарихи баёнида исроилиётдаги айрим саҳих бўлмаган хабарлардан фойдалангани келтиради.

“Исроилиёт” сўзи, яҳудийлардан ривоят қилинган маълумотларни билдирса ҳам, биз бу ерда умумийроқ маънода, яъни яҳудий ва насронийлардан келган (ривоят қилинган) ривоятлар назарда тутилади. Чунки Исломнинг аввалида яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам мусулмонлар билан доим бирга аралашиб яшаганлар, дунёнинг турли чеккаларидан гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Мадинага келиб исломни қабул қилганлар. Ҳар икки дин аҳлларининг ҳам алоҳида диний маданиятлари мавжуд бўлиб, Тавротдаги қадимги пайғамбарларнинг тарихи Куръонда баён этилган Одам алайҳиссалом қиссаси, Мусо алайҳиссалом билан қавмига тегишли нақллар, Исо алайҳиссалом ва Марям ҳақидаги ривоятлар ҳамда ўтган пайғамбарлар тарихи ибрат учун баён этилган.

НАТИЖА

Табарий “Тарих ар-русул вал-мулук” асарида бевосита ривоят қилган ровийларининг асосий қисми ишончли ровий сифатида эътироф этилади. Асарда келтирилган сийратга тегишли ривоятлари ҳадис илмининг бир бўлаги ҳисобланган “жарҳ ва таъдил” илмига тегишли кўплаб маълумотларни тақдим қилади. Табарий тарихининг сийрат бўлимида келган ривоятлар асосан Ибн Исҳокнинг “Китоб ал-мағозий” асарида келган маълумотларни бериш билан бирга воқеага гувоҳ бўлган ровийлардан ривоятлар нақл қилади. Юқорида келтирилган ровийларнинг вафот этган йиллари 248/862 йилдан 260/873 йиллар оралиғида бўлиб, Табарий асосан ёши улуг, тарихий маълумотларни асл манбаига яқин шахслардан тўғридан-тўғри олишга ҳаракат қилган.

Табарий илмий фаолиятини ҳадис илмидан бошлаган муҳаддис бўлиб, тарихий ривоятларни тўплаш, таҳлил қилишида муҳаддислар усулига таянган ҳолда тарихий воқеаларни баён қилган. Муҳаммад Фатҳ Усмон Табарий тарихи ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: “Табарий тарих

майдонида тафсир ва ҳадис эшиклари орқали киргани сабабли тарихий воқеаларни ровийлар орқали баён қилади” (Муҳаммад Фатҳ Усмон, 1412:167). Табарий “Ихтилоф ал-фуқоҳо” асарида ровийлар занжирини тўлиқ ҳолда келтириб ўтганлиги сабабли, “Тарих ар-русул вал-мулук” асарида баъзи ўринларда бу услубни қўлламаган. Бунга сабаб, аллома ровийлар силсиласидан хабардор, лекин “Тарих ар-русул вал-мулук” асарининг асосий вазифаси воқеалар баёнини келтиришни асосий мақсад қилиб белгиланган.

Олим ҳадис илмини мукаммал ўргангани сабабли, тарихий жараёнлар баёнида ҳам ҳадислардан кенг истифода этганини кўрамай. Баъзи тарихий жараёнлар оғзаки нақл орқали етиб келган маълумотлар асосида ва таянган манбаси кўрсатилмаган ҳолда баён этилади. Тарихий жараёнлар баёнида оғзаки нақл ривоятларга таяниб, ровийлар силсиласини тўлиқ баёнда келтирмай, баъзи ўринларда “бунини ҳамма яхши билади” каби иборалар билан маълумотлар келтирилган. Ўша давр анъанасига мувофиқ, воқеалар гувоҳи бўлган кишилар томонидан ривоят қилиниб, ровийлар занжири орқали кейинги авлодга маълумотлар етказилган. Асарда “биз шунчаки бизга берилган маълумотлар асосида хабар бердик” каби ибораларни қўллаб, китобни ўқиган ўқувчи қўшимча маълумотларга эга бўлса, муаллифда воқеага оид бирор маълумот қолиб кетмаганини, ўзи билган барча маълумотларни баён этганини китобида келтириб ўтади (Табарий, 1967:11).

Аллома тарихий материалларни эҳтиёткорлик билан беришга, ақлий далилларга эмас, кўпроқ ровийлар ривоятига таяниб маълумотлар берган. Баъзи ўринларда бир қанча материаллар келтирилиб, ўзи қай бирини қувватлаганини келтириб ўтади. Бунга мисол тариқасида, Иброҳим (а.с.)нинг қайси ўғлини сўйиш буюрилганлиги тўғрисида тарихий материалларни келтириб, маълумотлар охирида ўз фикрини ҳам айтади (Табарий, 1967:175).

Асарни ёзиш жараёнида тарихий жараёнларга оид ўзининг маълумотлари бўлишига қарамай, ўша даврда яшаган одамлардан барча ривоятларни йиғиб, ўз асарига жамлади. Асарда материалларни бирин-кетин тақдим этиб, баъзи ўринларда материалларни қай бири тўғрисидаги ўз қарашини ҳар доим ҳам билдириб кетмаган.

Табарий ривоятларни келтиришда энг кўп ишлатган сўз бу “ҳаддасано” ва “ҳаддасаний”

сўзлари бўлиб, бу сўзларни қўлланилиши ривоятларни баёнида алоҳида аҳамият касб этган. Масалан, Ибн Мусаннадан Муҳаммад (с.а.в.) нинг исмларини тавсифловчи икки ривоятни келтиради (Табарий, 1967:178). Биринчисида “хаддасаний” (у менга айтди), иккинчисида “хаддасано” (у бизга айтди) сўзини қўллаган бўлиб, бу икки хабарни ўзига хослигини ифода қилмоқчи бўлади. Биринчи ифодага кўра, ёлғиз ўзи хабарни олганига, иккинчи ифодага кўра, у билан бирга яна бошқалар ҳам борлигига ишора қилади.

Табарий Ҳишомдан ривоят этганда “худдасту”, “кола”, “закара” каби ибораларни қўллаган бўлса-да, Ибн Ҳишом 218/833 йилда Табарий туғилишидан 20 йил аввал вафот этгани сабабли унинг китобларидан фойдаланганини кўрсатади. Бундан ташқари Табарий Вокидий, Ҳайсам ибн Адий ва Сайф ибн Умар асарларидан ҳам ривоятлар келтирган бўлиб, бу асарлар бизнинг даврга қадар етиб келмаган.

Ҳар бир усулнинг мактовга лойиқ жиҳати билан бирга камчиликлари ва ноқис томонлари ҳам бўлиши табиий. Асарда қўлланилган услубларда даврнинг ҳам таъсири сезилиб туради. Табарий бирор асардан маълумот келтирар экан, фақат муаллиф билан кифояланиб, асар номини келтирмайди. Бу ҳолатда келтирилган муаллифнинг асари кўп бўлгани учун ўқувчи унинг қайси асарига ишора қилинганини аниқлашда қийналади, баъзида бу номаълумлигича қолади. Масалан, у Мадоинийдан кўп ривоятлар келтирган. Ибн Надимнинг ёзишича, Мадоинийнинг 240 та китоби мавжуд бўлиб (Бағдодий, 1978:113), унинг қайси асари асосида ёзганини аниқлаш мушкул. Сайф ибн Умардан ҳам кўп ривоятлар келтирган бўлиб, унинг “ал-Футух”, “ар-Ридда” ва “Мавжат ал-жамал” номли асарлари бор (Бағдодий, 1978:106), Сайф ибн Умардан келган ривоятлар юқоридаги асарларидан олинганлиги ёки бошқа асарларидан келтирилганлиги аниқ эмас. Агар Табарий асарнинг номини ҳам келтирганида, соҳага оид илмий изланувчиларга кўп фойдали бўлиб, дастлабки манба ҳақида ҳам маълумот олишга имкон яратган бўларди.

Баъзи ўринларда тарихий воқеалар баёнида узун хикоя қилишдан қочиб, қисқа тарзда баён этиб ўтган. Масалан, асарда Абу Зарр Жаъфар ва Муовия ибн Абу Суфён орасидаги ихтилоф баёнида, Абу Заррни ғамдан Мадинага сургун қилишга оид тарихи маълумотларни келтиришда

“Абу Заррнинг сургун қилиниши тўғрисида кўплаб ривоятлар мавжуд бўлиб, ўз услубимга қарши чикиб, бу масалани ёритиб ўтишни ўринли ҳисобламайман”, деб қисқа баён қилади (Табарий, 1967:191).

Усмон ибн Аффон (р.а.)нинг қамал қилиниши ҳақида кўплаб ривоятларни келтирганидан сўнг, “Вокидий ушбу воқеа ҳақида кўплаб ривоятлар таркатди, мен улардан баъзилари ҳақида юқорида айтиб ўтдим” деб, ушбу тарихий жараён ҳақида кўплаб ривоятлардан баъзиларини келтирганини эътироф этган (Табарий, 1967:241). Аллома ўзи билган маълумотлар ва ривоятлар асосида келган маълумотларни бир вақтда ифода этиши кўпинча баён этилаётган тарихий воқеани кенг қамровли ва батафсил ёритишига таъсир қилган. Воқеаларнинг камдан-кам ҳолатларда қисқа тарзда баён этганини кўришимиз мумкин.

Асарнинг баъзи ўринларида ривоятларни ўқувчи томонидан қабул қилишда эътирозли ҳолатлар мавжудлигини инобатга олиб, ушбу ривоятларни келтирмаганлигини айтади. Хусусан, Муҳаммад ибн Абу Бакр ва Муовия ибн Абу Суфён ўртасидаги ёзишмалар ҳақидаги ривоятларни келтириб ўтмаганини айтади (Табарий, 1967:378).

Табарий бир мавзунини ёритишда бир қанча тарихий воқеаларни эслаб ўтишга ҳаракат қилади. Масалан, Каъба қурилиши ҳақидаги маълумотларни келтирар экан, “Каъба қурилиши билан “Фижор уруши” орасида 15 йил, “Фижор уруши” ва “Фил воқеаси” орасида эса 20 йил вақт бор эди”, деб ёзади (Табарий, 1967:290).

Табарий ривоятларни тақдим қилишда аввало мавзу доирасидаги Қуръон оятларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилади. Асарда “вақт” тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтиб, “Вақт бу кеча ва кундуздан иборат соатлар” деб изоҳлайди. Кеча ва кундузнинг соатлари куёш ва ойнинг кўриниши билан боғлиқ жараён эканини Ёсин сурасининг 36 – 40 оятлари билан изоҳлайди (Шокир Мустафо, 1967:20).

Мавжуд ривоятлар орасида ўзи гувоҳ бўлмаган воқеалар баёнида мавзуга оид материалларни олиш учун Қуръондаги маълумотларга мос келадиган ривоятларни муҳим ҳисоблаган. Масалан, Табарий ўз асарида Одам Атонинг яратилиши, унинг табиати, Момо Ҳавво билан жаннатдан ерга туширилиши, пайғамбар Юсуф алайҳиссалом қиссаси, Мусо алайҳиссалом қиссалари ва бошқа шунга ўхшаш масалалар баёнида Қуръон оятларига асосланган ривоятларга кўпроқ мурожаат қилган.

ХУЛОСА

Классик ислом тарихи манбаларининг тузилиши ва шаклланишида Табарийнинг ҳиссаси ва унинг услуги таъсир қилганини кўришимиз мумкин. Чунки у ўзи топган ҳар бир ривоятни асарида келтириб, аммо унга муносабат билдирмаган. Воқеаларга доир ривоятларни бир жойга жамлаган ҳолда ривоятлар қомусини яратгани боис, алломанинг асари кейинги давр учун муҳим манба сифатида эътироф этилган.

“Тарих ар-русул вал-мулук” номли тарих китобида иснодлар силсиласи ровийлар маълумоти асосида тарихий жараёнлар ва воқеалар келтирилиб, дастлабки ислом тарихи умумий таснифи сифатида эътироф этилади.

У тарихий жараёнларга оид ривоятларни бир жойга тўплаш орқали тарихий қомус яратган. Бир тарихий воқеага тегишли бир неча ривоятларни келтириб, уларнинг қай бири афзаллиги ва тўғрироқлиги хусусидаги ўз қарашларини айтмайди.

Табарий ҳадис ва тарих ўртасидаги боғлиқ жиҳатларга эътибор беришга ҳаракат қилган. Чунки ислом тарихи дастлаб муҳаддислар томонидан ёзилган бўлиб, тарих ва ҳадис ўртасида боғлиқлик санад орқали баён қилинган. Табарий болалигидан ҳадис илмидан таълим олиб, бу илм унинг соҳада ўз ўрнини эгаллашга таъсир кўрсатди.

Тарихий ривоятларни ўзлаштиришда исноддан фойдаланиш вақт ўтиши билан заифлаша бошлаган, ҳатто Ибн Қутайба, Абу Ҳанифа Диноварий, Яъқубий каби баъзи тарихчилар томонидан деярли фойдаланилмай қолган. Бу усул Табарий томонидан қайта тикланган. Чунки Табарий ҳар бир воқеанинг аслини ёзар экан, уни ўз гувоҳлиги ёки ҳеч бўлмаганда, узлуксиз ровийлар занжири орқали олган замондошига нисбат бериш йўлини тутган.

Қадимги халқлар ва элатлар, пайғамбарлар тарихи ҳақида ўтмишда оғзаки манбаларга таянган ҳолда ривоятлар авлоддан-авлодга етказилиб, кейинги даврларда ёзма манбалар шаклида тасниф этилган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Табарий. (1967). Тарих ар-русул вал-мулук // I–XI. Муҳаммад Абуфазл Иброҳим таҳқиқи. Ж. 1. Қоҳира: Дор ал-маърифат.
2. Табарий. (1967). Тарих ар-русул вал-мулук // I–XI. Муҳаммад Абуфазл Иброҳим таҳқиқи. Ж. 2. Қоҳира: Дор ал-маърифат.
3. Табарий. (1967). Тарих ар-русул вал-мулук // I–XI. Муҳаммад Абуфазл Иброҳим таҳқиқи. Ж. 3. Қоҳира: Дор ал-маърифат.
4. Табарий. (1967). Тарих ар-русул вал-мулук // I–XI. Муҳаммад Абуфазл Иброҳим таҳқиқи. Ж. 4. Қоҳира: Дор ал-маърифат.
5. Табарий. (1967). Тарих ар-русул вал-мулук // I–XI. Муҳаммад Абуфазл Иброҳим таҳқиқи. Ж. 5. Қоҳира: Дор ал-маърифат.
6. Абул Фараж Муҳаммад ибн Абу Яъқуб Ибн Исҳоқ Надим Варроқ Бағдодий. (1978). Ал-Фихрист фи ахбор ал-уламои мусаннифин минал қудамил ва ал-муҳадисийн ва асмаи кутубихим. Байрут: Дор ал-маърифат.
7. Жавод Алий. (1950). Маварид тарих ат-Табарий. Ж. 1. Бағдод: Мажмаъ ал-илмия.
8. Муҳаммад Фатҳ Усмон. (1412). Ал-Мадҳал ила-т-тарихи-л-ислам. Дорун нафаис. Байрут (нашриёти кўрсатилмаган).
9. Фуад Сезгин. (1991). Тарих ат-турос ал-арабий. Фаҳмий Ҳижозий таржимаси. Ж. 1. Риёз: Жомиа ал-имам Муҳаммад ибн Сауд ал-исламия.
10. Шокир Мустафо. (1983). Ат-Тарих ал-араб ва ал-муаррихун. Ж. 1. Байрут: Дор ал-илм лил-малайийн.

REFERENCES

1. Tabari. (1967). Tarikh ar-rusul wal-muluk // I-XI. Research by Muhammad Abufazl Ibrahim. Vol. 1. Cairo: Dar al-marifat.
2. Tabari. (1967). Tarikh ar-rusul wal-muluk // I-XI. Research by Muhammad Abufazl Ibrahim. Vol. 2. Cairo: Dar al-marifat.
3. Tabari. (1967). Tarikh ar-rusul wal-muluk // I-XI. Research by Muhammad Abufazl Ibrahim. Vol. 3. Cairo: Dar al-marifat.
4. Tabari. (1967). Tarikh ar-rusul wal-muluk // I-XI. Research by Muhammad Abufazl Ibrahim. Vol. 4. Cairo: Dar al-marifat.
5. Tabari. (1967). Tarikh ar-rusul wal-muluk // I-XI. Research by Muhammad Abufazl Ibrahim. Vol. 5. Cairo: Dar al-marifat.
6. Abul Faraj Muhammad ibn Abu Yaqub Ibn Ishaq Nadim Warraq Baghdadi. (1978). Al-Fihrist fi akhbar al-ulamai musannifin minal qudamail wa al-muhadisiyn wa asmai kutubihim. Beirut: Dar al-Marifat.
7. Javad Ali. (1950). Mawarid tarikh at-Tabari. Vol. 1. Baghdad: Majma' al-ilmiya.
8. Muhammad Fath Uthman. (1412). Al-Madhal ila-t-tarishi-l-Islam. Dar an-Nafais. Beirut (unpublished).
9. Fuad Sezgin. (1991). Tarikh al-turos al-arabi. Translation by Fahmi Hijazi. Vol. 1. Riyaz: Jamia al-imam Muhammad ibn Saud al-Islamiya.
10. Shakir Mustafa. (1983). at-Tarikh al-arab wa al-muarrihun. Vol. 1. Beirut: Dar al-ilm lil-malayiyn.